

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
АХБОРОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 5-Навоий округ сайлов комиссияси (Н. Исоқов), ҳамда 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси (Х. Хамидов) раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

- сайлов бюллетенларини ҳар бир сайлов участкасига белгиланган тартибда ва муддатларда етказиш ишларини яқунласин;

- участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган учинчи босқич семинар-тренинглари яқунига етказилсин;

- сайлов жараёнларида сайлов қонунчилиги, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли Низом ва Йўриқномалари талабларига қатъий амал қилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанкулов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 декабрь,
№ 789.